

МАКРОИҚТИСОДИЙ БОШҚАРУВДА САНОАТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдулла Абдуқодиров,
иқтисод фанлар номзоди,
III Тошкент Халқаро инвестиция форуми
Конференциясидаги маъруза тезислари

1992-2016 йиллар давомидаги хусусийлаштириш жараёнида Ўзбекистоннинг саноат потенциали кўп жиҳатдан йўқ бўлган. Майда ва ўрта машинасозлик, металлга ишлов бериш бўйича ўрта ва кичик корхоналар ўз бозорларини йўқотиб, касод бўлганлар ва мулкый комплекслар сифатида хусусийлаштирилган. Кўпгина сабаблар билан орасида, ўйланмаган саноат сиёсати туфайли биз 1990 йилдаги ялпи ишлаб чиқариш потенциалимизга 2011 йилдагина қайта олдик. Ваҳолан-ки, бу катта потенциал 1940-йиллардан сўнг Улуғ Ватан Уруши таъсирида Совет Иттифоқининг ҳарбий-саноат потенциалини жанубга қўчириш сиёсати ортидан юзага келган ва ривожланган эди.

Ҳозирги кунларда биз саноат потенциалини тиклашга, ундаги диверсификация даражасини оширишга кўп уринишлар қиляпмиз. 2019 йилда Иқтисодиёт вазирлигининг ваколатлари кенгайтирилиб, унга Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги номи берилиб, “**мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи**”¹ мақоми берилган эди. Вазирликнинг асосий вазифаларидан бири қилиб саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш, мамлакатнинг фаол инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш юкланган эди. Бу каби юксак вазифаларни бажариш, табиий-ки, узоқ ва ўрта муддатларга мўлжалланган инвестиция ва саноат сиёсати стратегиясини ишлаб чиқишни кун тартибига қўйди². Лекин Иқтисодиёт ва саноат, ҳамда Инвестиция ва ташқи савдо вазирликлари

¹ “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 10.01.2019 й., №ПФ-5621: <https://lex.uz/docs/4154478?ONDATE=11.01.2019%2000#4156514>

² Қаранг: <https://old.gov.uz/uz/news/view/23101>

(кейинчалик Инвестиция, саноат ва ташқи савдо вазирлиги) ўртасида қолиб кетган бу икки стратегия шу кунгача яратилмади. Бунинг бир нечта объектив ва субъектив сабаблари бўлган, лекин энг муҳими бу даврга келиб тармоқлар ва тармоқлараро ишлаб чиқариш ва истеъмол балансларини тузадиган иқтисодий-илмий потенциал батамом тугатилган эди. Илгари бундай баланслар Президент маъмурияти ҳузуридаги Иқтисодий ислохотлар ва тадқиқотлар Маркази (CERR - ҳозирги қисқа номи инглизча аббревиатурада) ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилар эди. Бу балансларни ишлаб чиқармай туриб, бу соҳада доимо кадрларни тайёрлаб, уларга саноат иқтисодиёти, саноатни жойлаштириш, юк ташиш тизимини (ҳом-ашё ва тайёр маҳсулотлар кесимида) оптимизация қилиш моделларини сингдирмай туриб, саноат соҳаларини ва меҳнат тақсимотини танламай туриб, саноат сиёсати, уни ривожлантириш стратегияси ҳақида гап юритиб бўлмайди. Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг асосий вазифаларидан бири (саноат ривожланиши истиқболларини ишлаб чиқиш) орадан 14 ойдан ўтгач, бутунлай бошқа йўналишга (камбағалликни қисқартириш) ўзгартирилиши³ иқтисодий бошқарувда приоритетлар кескин ўзгарганидан далолат берар эди.

Ваҳолан-ки, Ўзбекистон саноат ривожланиши истиқболларини белгиловчи стратегиясини ишлаб чиқиш тармоқлар ўртасидаги номутаносибликларни камайтириш, инвестиция самарасини ошириш, керакли тармоқларни драйвер сифатида белгилаб, уларнинг ривожланишига давлат эътиборини кучайтириш, импортга боғлиқликни камайтиришнинг асосий воситаси бўлиб қолади. Саноат стратегияси мавжуд бўлса, давлат бошқарув органлари (Иқтисодиёт ва молия, Инвестициялар, саноат ва ташқи савдо вазирликлари) айнан қайси соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш, қандай лойиҳалар амалга оширилишига имконият яратиш, тармоқдаги қайси технология ва билимлар эгаси билан музокаралар олиб боришни тизимли асосда билган бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги 2023-2024 йиллар давомида бир неча стратегик корхоналар фаолиятини ўрганиб, саноат стратегиясини яратишда қуйидаги **принципиал омилларга** аҳамият берилиши кераклигини аниқлади:

Энг муҳими, - Ўзбекистон ЁвроОсиё континентининг марказида экани, бу ерга дунё бозорларидан ҳар қандай ҳомашё олиб келиб, уларни қайта ишлаб маҳсулот тарзида дунё бозорларида таклиф этиш аввалдан рақобат

³ Қаранг: <https://lex.uz/docs/4776669?ONDATE=07.07.2023%2000>

имкониятларини кескин камайтириши инкор этиб бўлмас факт эканини унутмаслик. Демак, асосий эътибор ўз ҳомашёси етарли бўлган лойиҳаларга қаратилиши керак. Газ ишлаб чиқариш ҳажмлари мавҳум бўлиб турган шароитда GTL, МТО каби ҳар бири камида 3,0 млрд м³ табиий газни талаб қиладиган (ҳозирги потенциалнинг 12-15%) лойиҳаларни амалга ошириш, импорт ҳомашёга умид қилиш - бундай лойиҳаларни ҳеч қачон фойдага чиқмаслигига ҳукм этиш дегани. Бугунги кунда ички истеъмол учун олинаётган импорт асосидаги табиий газ давлат бюджети томонидан субсидияланаётгани учун бюджет тақчиллиги кескин ошганини унутмаслигимиз керак.

Металлургияда ҳам ҳомашё базасини яратишга биринчи эътибор берилиши зарур. Бугунги кундаги факт шу-ки, бу соҳанинг барча истиқболлари Тебинбулоқ темир рудаси конини ўзлаштириш, ундан қазиб олиниши мумкин бўлган рудани қайта ишлаш, ҳамда иқтисодиётда ҳосил бўладиган иккиламчи металлни (металлолом) қайта ишлаш келажаги билан билан боғлиқ. Лекин иккиламчи металлни йиғиш ва давлатга сотиш монополияси, ёки Тебинбулоқ кони эгалик ҳуқуқидаги амалиётдаги ноаниқликлар Ўзбекистон металлургияси келажагини тамоман қирқиши мумкин. Тўғри, ҳар қандай монополия ёмон ва эркин рақобат яхши. Лекин 60 йил аввалги воқеълик шароитида яратилган корхона ва унинг мамлакатимиз саноат потенциалидаги ўрнини ҳисобга олсак, бу тезисга бундай механик ёндашув тўғри келмаслигини кўрамиз. Агар бу 2 омил ўз ечимини топмаса (Тебинбулоқ конини ўзлаштириш ва иккиламчи металлни йиғиш ва қайта ишлаш монополиясининг статуси), Ўзбекистон металлургия комбинати фаолияти сурункали камомад келтирувчи амалга айланади. Корхонада ана шу 2 омил асосида Қуюв-прокат ишлаб чиқарилишига асос солинган, жуда катта миқдорда хорижий ва маҳаллий инвестициялар (банклар кредитлари) жалб қилинган. Кредитлар асосимй ишлаб чиқаришданг олинаётган фойда ҳисобига копланиб борилмоқда. Агар камомад бўлса, кредитларни қайтариш ва Қуюв-прокат ишлаб чиқариш фаолиятини юргизиш перспективалари жуда мавҳум бўлиб қолади.

Иккинчидан, ҳар қандай маҳсулотнинг ички бозори ва унга бўлган умумий талабни шакллантиришда ички тармоқлар ва тармоқлараро ишлаб чиқариш ва истеъмол балансларидан келиб чиқиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш мумкин бўлган тариф ва нотариф тўсиқларни қўллаш зарур. Тариф тўсиқлари маълум миқдордагина бўлиб, уларнинг умумий таъсири импорт маҳсулоти нархини

20% дан (эмпирик йўл билан топилган рақам) ортиққа оширмаслиги керак. Акс ҳолда ички монополиялар юзага келиб, улар ўз шартларини бозорга сингдира бошлайдилар. АО “Узавтомоторс”, Артель каби квазидавлат монополистлар сиёсати биз учун сабоқ бўлиши керак.

Учинчидан, ўз хомашё базаси бўлган ва мамлакат иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнаётган корхоналарни (масалан, қурилиш материаллари саноатида) хомашё базаларини кескин ривожлантириш, бу активларни давлат ихтиёрида ушлаб туриш керак. Ваҳолан-ки, айниқса, қурилиш материаллари соҳасида (жумладан, цемент, арматура, ойна ишлаб чиқариш) давлатнинг ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш механизми сезилмайди. Боз устига ички логистика харжатлари жуда юқори. Ҳомашёни темир йўл билан ташиш, ёки маълум масофагача (80 кмгача) автомобилларда маълум харажатлар асосида ташиш имкони бўлмаган кўпгина корхоналар бугунги кунда фаолиятини тўхтатиб, реструктуризация қилиш имкониятларини излаяпти. Агар бу соҳада давлатимиз ўз имкониятлари ва талабидан келиб чиқиб бу корхоналарга маълум дастур таклиф қилмаса, саноат потенциаломиз борган сари тушиб, импортга қарамлигимиз ортиб бораверади.

Асосий мантиқ шунда-ки, хусусий майда ишлаб чиқарувчилар энг аввало ички бозорда рақобатбардош бўлишлари керак. Агар бунга эришилса, улар тез орада Макрказий Осиё минтақаси даражасига чиқадилар ва дунё бозорида рақобатбардош бўлиш учун ўзларига муҳим замин яратадилар. Албатта, ички бозорда рақобатбардош бўлишни ўзи маълум тизимлилик, давомийлик, сурункалик ва масштабни талаб қилади. Демак-ки кичик корхоналарнинг табиий эволюцияси ўрта ва йирик корхоналарга айланишга қаратилган бўлиши ва бунинг учун макроиқтисодий сиёсат (фискал, монетар ва регулятив соҳаларда) маълум даражада 10-15 йилга барқарор бўлиши, “ўйин қоидалари” тез ва радикал ўзгармаслиги керак.

Тўртинчидан, саноат корхоналари баъзи санокли ҳолатлардан (бошқа тармоқларга ижобий синергетик таъсири бўлган корхоналар фаолиятдан ташқари) ички субсидиялар ва нархларни сунъий чегаралаш, божхона, солиқ имтиёзлари, хомашёни, энергия ва бошқа ресурсларни квотали, имтиёзли тақсимлаш каби сунъий ғоялар асосида фаолият юритмасликлари керак. Бундай корхоналар узоқ муддатларда на ички ва на ташқи бозорларда рақобатбардош бўла олмайдилар. Иқтисодиётнинг уларни фаолияти учун сарфлаган трансакцион харажатлари (бу ерда уларнинг фаолиятини юритиш учун давлат ва жамият зиммасига тушган барча харажатлар тўплами

маъносида) имтиёзларни йўқ қилиш оқибатлари билан доим солиштирилиши керак. Масалан, квазидавлат монополиялари юқорида айтилган логистика ва қўшилган қиймат солиғи борасидаги устунлик доирасида фаолият юрита олмаса, уларни сақлаш харажатлари иқтисодиёт учун қимматга тушаётганини аниқлаш вақти келди.

Олтинчидан, биз турли халқаро савдо қоидаларини белгиловчи ташкилотларига аъзо бўлишга (масалан ЖСТга) бир шароитда биз аниқ билишимиз керак-ки, қайси тармоқлар (ҳатто корхоналар кесимида) қай шаклда ва миқдорда давлат ёрдамига вақтинча мухтож бўлади-ю, қайси тармоқларда халқаро рақобатга шароит яратиб беришимиз, қайси тармоқларни тариф ва нотариф бошқарув усуллари, ҳамда алмашув курсини динамикаси ҳисобига ҳимоя қилишимиз керак. Яъни тариф ва нотариф методлар аниқ бир маҳсулот ва товарларга нисбатан қўлланса, алмашув курси бутун иқтисодиётни рақобатбардошлик потенциали кескин фарқ қилган иқтисодиётлардан умумий shelter (ёпинғич) ҳимоя сифатида ҳизмат қилади. Лекин алмашув курсини белгилашда узок мудатда девальвация йўлини тутиш – бу икки тиғи ўткир восита – импортни камайтириб, ҳарид қобилятини кескин тушириши мумкин.

Энг муҳими - ишлаб чиқаришни режалаштиришда энг аввало ички бозор эҳтиёжларини қондириш асосий мезон бўлиши керак, чунки халқаро бозор конъюнктураси жуда тез ўзгарувчан ва жуда кўп мамлакат, ёки корхона назорат қила олмайдиган, таъсир ўтказа олмайдиган кўрсаткичларга боғлиқ. Биз экспортга мўлжалланган иқтисодиёт яратимиз деб ички нархларни кескин кўтариб юбордик (айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун). Рақобат бўлмаган ва бўлиши қийин бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида ташқи бозорга ориентир олиш истеъмол ва саноат моллари нархлари индексларининг кескин ўсишига олиб келади. Ички бозор ҳажми ва ишлаб чиқариш имконияти нархлар балансини белгилашда асосий ориентир бўлиши керак, қолгани алмашув курси орқали бошқарилиши керак. Яъни бугунги кундаги нархлар ўсиб бориши шароитида ҳам алмашув курсининг барқарорлиги бу импортни оширувчи асосий омил бўлиб қолади.

Макроиқтисодий ёндашув яна шунда кўринади-ки trigger and synergy (қўзғатувчи ва узвийлик) таъсирларини аниқ тасаввур қилишимиз лозим. Ҳар бир соҳада тармоқни ривожланишига триггер бўладиган омиллар бўлади ва уларнинг синергетик таъсири назарда тутилиши керак. Масалан, металлургияни ривожлантириш учун хомашё базаси иккиламчи металл,

махаллий темир рудаси, ёки импорт хомашё бўлиши мумкин. Лекин бирламчи металлургия металл прокати ва йирик металл конструкциялари соҳалари ривожланишига триггер бўлса, бу омиллар бирга кўрилиши керак. Ёки цемент, ойна ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш мамлакатдаги оҳак, қум, гипс ва бошқа табиатда кўп учрайдиган моддаларга боғлиқ. Бу моддалар конларининг ўзлаштирилиши айнан шу соҳалар ривожланишига туртки беради. Ёки металлургия саноатининг ривожланиши кичик ва ўрта машиносизлик, металлни қайта ишлаш саноатлари ривожига туртки беради. Биз саноатдаги барча соҳаларни баробарига кўтариш ўрнига, кам капитал маблағларни талаб қиладиган, лекин тез орада синергетик натижа бера оладиган саноат ишлаб чиқаришларига урғу беришимиз керак. Демак-ки, барча йирик капитал маблағларни талаб қилувчи ва импорт ҳом-ашёга асосланган лойиҳалар перспективасини янги мезонлар асосида қайта кўриб чиқиш, давлатнинг катта ҳажмдаги инвестицион лойиҳалари рўйхатини камайтириш вақти ҳам келди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Абдукадиров: “Мамлакатда саноат стратегиясининг аҳамияти”. (2024). https://uza.uz/uz/posts/mamlakatda-sanoat-strategiyasining-ahamiyati_612679
2. Саймон Эвенетт, Адам Якубик, Фернандо Мартин, Мишель Рута: «Четрые факта о возвращении промышленной политики», Econs.online. (2024). <https://econs.online/articles/opinions/chetyre-fakta-o-vozvrashchenii-promyshlennoy-politiki/>
3. Георгий Арзуманян: «Ключевые факторы промышленной политик требуют переосмысления». (2024). <https://eec.eaeunion.org/news/georgiy-arzumanyan-klyuchevye-vektory-promyshlennoy-politiki-trebuyut-pereosmysleniya/>
4. Деев А.А., Соколов М.С.: «Проблемы реализации государственной проромышленной политики России». (2016). <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-realizatsii-gosudarstvennoy-promyshlennoy-politiki-rossii/viewer>
5. Хашимов П.З., Устаджалилов Д.Р., Абдурасулов О.Н.: «Инструменты реализации промышленной политики». (2021). <https://cyberleninka.ru/article/n/instrumenty-realizatsii-promyshlennoy-politiki-1>